

**Асосий иқтисодий  
кўрсаткичлар**

	млрд. сўм	2013 йил январь – мартга нисбатан фоиз хисобида
<b>Ялпи ички маҳсулот</b>	118986,9	108,0
<b>Саноат маҳсулоти</b>	61105,8	108,8
<b>Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти</b>	30849,4	106,8
<b>Асосий капиталга кiritилган инвестициялар</b>	27557,3	109,8
<b>Қурилиш ишлари</b>	15080,8	116,6
<b>Юк айланмаси, млрд. тн – км</b>	83,8	100,6
<b>Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи – км</b>	94,6	106,1
<b>Чакана товар айланмаси</b>	47463,7	114,8
<b>Пуллик хизматлар</b>	18278,6	113,7
<b>Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ долл.</b>	28886,0	109,4
<b>Экспорт</b>	15087,2	110,9
<b>Импорт</b>	13798,8	107,7

## Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш

2013 йилнинг январь–декабрида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми, дастлабки маълумотларга кўра, жорий нархларда 118986,9 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2012 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 8,0 фоизга тенг бўлди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 82,8 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига, 17,2 фоизи – давлат секторига тўғри келди.


Январь–декабрда ЯИМнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

### якунга нисбатан фоиз ҳисобида



ЯИМ ишлаб чиқаришнинг таркиби қуйидагича ифодаланади:

### якунга нисбатан фоиз ҳисобида



**Корхоналар ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий тавсифи  
(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)**

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони – 266,4 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони – 241,2 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 90,5 фоизини ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 28,3 фоизи), саноат (16,6 фоизи), қурилиш (8,6 фоизи), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (8,5 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2014 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:


	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	266,4	100,0	241,2	100,0
шу жумладан:				
саноат	44,3	16,6	39,9	16,5
қурилиш	22,9	8,6	19,9	8,3
қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	22,6	8,5	20,3	8,4
транспорт ва алоқа	10,4	3,9	9,3	3,9
ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари	22,4	8,4	20,2	8,4
савдо ва умумий овқатланиш	75,5	28,3	66,0	27,4
аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	4,0	1,5	3,4	1,4
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	11,1	4,2	10,7	4,4
таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	21,7	8,1	21,2	8,8

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	31,5	11,9	30,3	12,5

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар умумий сонининг 85,2 фоизини нодавлат мулки шаклидаги корхона ва ташкилотлар, шундан 35,9 фоизини хусусий корхоналар, 1,8 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 47,5 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил этади.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 январь ҳолатига,  
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2013 йилнинг январь–декабрида жами 27,8 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 26,3 мингта). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 24,6 фоизи), Фарғона (10,8 фоизи), Тошкент (8,8 фоизи), ва Самарқанд (7,0 фоизи) вилоятларига тўғри келади.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 28,1 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 26,4 фоизи саноат ва 10,0 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 21,3 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 5,6 мингтаси ихтиёрий равишда тугатилган.

2013 йилнинг январь–декабрида ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида, ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



■ Давлат сектори  
■ Нодавлат сектори

### Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2013 йилнинг январь–декабрида ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 55,8 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 фоизга кўпдир. 2013 йилнинг январь–декабрида кичик корхона ва микрофирмаларнинг ЯИМ ишлаб чиқаришдаги улуши 34,6 фоизни

ташкил этди, 2012 йилнинг январь–декабрида ушбу кўрсаткич 33,9 фоизга тенг бўлган.

2013 йилнинг январь–декабрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

9519,6 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 76,0 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 7218,1 минг нафари индивидуал сектор, 2301,5 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 15181,8 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 24,8 фоизи) ёки 2012 йилнинг январь–декабрига нисбатан 114,6 фоизни ташкил қилди;

9219,9 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 33,5 фоизи) ўзлаштирилди ва 2012 йилнинг январь–декабрига нисбатан 102,6 фоизни ташкил қилди;

10848,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 71,9 фоизи) бажарилди ва 2012 йилнинг январь–декабрига нисбатан 116,2 фоизни ташкил қилди;

автомобил транспорти юк айланмасининг 7,1 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 82,1 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 7,1 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 88,1 фоизи) кўпайиши таъминланди;

чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 46,3 фоизи ёки 21987,8 млрд. сўми (ўсиш 16,5 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажми, мос равишда 46,7 фоизи ёки 8544,5 млрд. сўми (ўсиш 5,8 фоиз) шакллантирилди;

2709,2 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 18,0 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 5599,5 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 40,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2013 йилнинг январь–декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:


	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	15181,8	30,0
Қишлоқ хўжалиги	30275,3	100,0
Қурилиш	10848,2	69,5
Чакана савдо	21987,8	68,4
Пулик хизматлар	8544,5	87,9
Юк ташиш, млн.тн	574,9	74,3
Йўловчи ташиш, млн.киши	5836,5	93,3
Экспорт, млн. АҚШ долл.	2709,2	4,8
Импорт, млн. АҚШ долл.	5599,5	18,4

Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 8775,6 минг кишини ёки жами соҳада банд бўлганларнинг 92,2 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида





## Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2013 йилнинг январь–декабрида 82 та (дастурий ва нодастурий объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Энг кўп хусусийлаштирилган объектлар Тошкент шаҳри ва Сурхандарё вилоятида – 11 тадан, Наманган вилоятида – 10 та, Хоразм вилоятида – 8 та, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида – 7 тадан объектлар хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улуш маҳаллий ҳокимиятларга тўғри келади – 54 та объект.

2013 йилнинг январь–декабрида хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағлари 44,1 млрд. сўмни ташкил қилди.

Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағларининг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча пул маблағларининг 68,8 фоизи) ва Тошкент (6,3 фоиз), Хоразм (3,4 фоиз), Андижон, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига (2,9 фоиздан) тўғри келади.

## Ташқи иқтисодий алоқалар

2013 йилнинг январь–декабрида ташқи савдо айланмаси 28886,0 млн. АҚШ долларини (2012 йилнинг январь–декабрига нисбатан 109,4 фоизни) жумладан 15087,2 млн. АҚШ долларини (110,9 фоизни) – экспорт операциялари, 13798,8 млн. АҚШ долларини (107,7 фоизни) – импорт операциялари ташкил этди.

Импортни экспорт билан қоплаш даражаси 109,3 фоизни (ўтган йилнинг шу даврида 106,1 фоизни) ташкил қилди.


Ташқи савдо қолдиғи 1288,4 млн. АҚШ долларини, шу жумладан МДҲ давлатлари билан 2004,6 млн. АҚШ долларини, бошқа давлатлар билан минус 716,2 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2013 йилнинг январь–декабрида республика ташқи савдо айланмасы қуйидагича ифодаланади:

	млн. АҚШ доллари	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Ташқи савдо айланмасы</b>	<b>28886,0</b>	<b>100,0</b>
МДҲ мамлакатлари	12305,6	42,6
бошқа давлатлар	16580,4	57,4
<b>Экспорт</b>	<b>15087,2</b>	<b>100,0</b>
МДҲ мамлакатлари	7155,1	47,4
бошқа давлатлар	7932,1	52,6
<b>Импорт</b>	<b>13798,8</b>	<b>100,0</b>
МДҲ мамлакатлари	5150,5	37,3
бошқа давлатлар	8648,3	62,7
<b>Қолдиқ</b>	<b>1288,4</b>	<b>х</b>
МДҲ мамлакатлари	2004,6	х
бошқа давлатлар	-716,2	х

Январь–декабрда республика ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

фоизда




2013 йилнинг январь–декабрида республика экспорт–импорти таркиби қуйидагича ифодаланади:

	<u>таркиби, фоиз ҳисобида</u>
<b>Экспорт</b>	<b>100,0</b>
пахта толаси	7,7
озиқ–овқат маҳсулотлари	9,8
улардан истеъмол маҳсулотлари	7,4
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	4,0
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	31,1
қора ва рангли металллар	6,3
машина ва ускуналар	5,5
хизматлар	16,2
бошқалар	19,4
<b>Импорт</b>	<b>100,0</b>
озиқ–овқат маҳсулотлари	9,7
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	14,3
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	7,2
қора ва рангли металллар	7,9
машина ва ускуналар	44,2
хизматлар	5,8
бошқалар	10,9

## Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

### умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2013 йилнинг январь–декабрида республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

	2012й. январь – декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида
Россия	90,0	24,4
Хитой	155,6	18,1
Қозоғистон	114,0	11,2
Корея Республикаси	99,0	7,3
Туркия	110,5	4,7
Украина	94,1	3,5
Афғонистон	90,0	2,3


	2012й. январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида
Германия	108,0	2,0
АҚШ	87,2	1,3
Туркманистон	83,9	1,2
Франция	115,8	1,1
Бразилия	97,8	0,9
Эрон	69,7	0,9
Ҳиндистон	129,3	0,9
Латвия	101,3	0,9
Япония	99,1	0,7
Қирғизистон	149,0	0,7
Беларусь	109,2	0,7
Польша	112,4	0,6
Тожикистон	89,8	0,5
Швейцария	137,1	0,5
Италия	85,0	0,5
Буюк Британия	66,5	0,5
Бангладеш	92,3	0,4
БАА	65,4	0,4
Чехия Республикаси	130,8	0,4
Бельгия	111,8	0,3
Малайзия	103,5	0,3
Нидерландия	99,2	0,3

	2012й. январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида
Австрия	63,6	0,3


2013 йилнинг январь–декабрида МДХ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

Экспорт

МДХ




Бошқа давлатлар




Импорт

МДХ



Бошқа давлатлар



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимёвий ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар
- Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар



## Саноат

2013 йилнинг январь–декабрида республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 61105,8 млрд. сўмни ёки 2012 йилнинг январь–декабрига нисбатан 108,8 фоизни ташкил этди.


2013 йилнинг январь–декабрида саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2012 й. январь– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>61105,8</b>	<b>108,8</b>
<b>шу жумладан:</b>		
электроэнергетика	4575,1	100,8
ёқилғи саноати	9629,8	101,3
қора металлургия	1438,4	105,4
рангли металлургия	5775,8	103,5
кимё ва нефт–кимё саноати	3311,7	101,9
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	12079,5	121,1
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз саноати	763,6	114,9
қурилиш материаллари саноати	3940,7	113,6
енгил саноат	7955,5	113,2
озиқ–овқат саноати	8059,6	109,1



Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




## Қишлоқ хўжалиги

Жорий йилнинг январь–декабрида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 30849,4 млрд. сўмни ёки 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 106,8 фоизни ташкил қилди, жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари – 18452,5 млрд. сўмни (106,4 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари – 12396,9 млрд. сўмни (107,4 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркибида деҳқон хўжалиklarининг улуши 64,0 фоизни (2012 йилнинг январь–декабрида – 63,5 фоиз), фермер хўжалиklarининг улуши – 34,0 фоизни, (34,4 фоиз), қишлоқ хўжалиги корхоналари улуши – 2,0 фоизни (2,1 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Дехқончилик.** Ҳисобот даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончиликнинг улуши 59,8 фоизни (2012 йилнинг шу даврида – 58,1 фоиз) ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда 2013 йил ҳосили учун экилган қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3656,3 минг гектар майдонни ташкил қилди.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 1642,0 минг гектарни ёки 2012 йил январь–декабрига нисбатан 100,9 фоизни, шу жумладан, буғдой экин майдони – 1451,1 минг гектарни (103,4 фоизни) ташкил қилди.

Пахта экин майдони 1308,8 минг гектарни ёки 2012 йилнинг январь–декабрига нисбатан 100,0 фоизни ташкил этди.

Картошка экин майдонлари – 2,9 фоизга, сабзавот экин майдони – 3,1 фоизга, озуқа экинлари майдони – 0,5 фоизга ўсди, полиз экин майдони – 5,7 фоизга қисқарди.

2013 йил январь–декабрида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 7804,8 минг тонна дон экинлари ишлаб чиқарилди, шу

жумладан

7015,6 минг тоннаси бошоқли дон, шундан 6840,8 минг тоннасини буғдой ташкил этди.

Барча тоифадаги хўжаликларда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ялпи ҳосили қуйидагича ифодаланади:

	2013й. январь–декабрь	
	минг тонна	2012й. январь–декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Донли экинлар	7804,8	103,9
шу жумладан:		
бошоқли экинлар	7015,6	103,3
шундан:		
буғдой	6840,8	103,5
Пахта хом ашёси	3361,2	97,1
Картошка	2250,4	109,4
Сабзавот	8515,9	109,6
Полиз	1558,0	109,8
Мева ва резаворлар	2260,9	110,1
Узум	1322,1	109,7

Ҳисобот даврида 2250,4 минг тонна картошка, 8515,9 минг тонна сабзавот, 1558,0 минг тонна полиз экинлари, 2260,9 минг тонна мева ва резаворлар, 1322,1 минг тонна узум йиғиб олинди.

Чорвачилик. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 40,2 фоизни (2012 йил январь–декабрида 41,9 фоиз) ташкил этди.

2014 йил 1 январь ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 465,7 минг бошга (4,6 фоизга), шу жумладан сигирлар сони 85,5 минг бошга (2,2 фоизга), қўй ва эчкилар сони 591,4 минг бошга (3,5 фоизга), паррандалар сони 4851,4 минг бошга (10,2 фоизга) кўпайди.

Деҳқон хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 93,9 фоизни, фермер хўжаликларида эса 5,1 фоизни, шу жумладан сигирлар мос равишда – 94,5 ва 4,6 фоизни, қўй ва эчкилар – 83,4 ва 7,4 фоизни, отлар – 84,3 ва 9,9 фоизни, паррандалар – 63,4 ва 12,3 фоизни ташкил этди.

2013 йил январь–декабрида барча тоифадаги хўжаликларда 1787,5 минг тонна (тирик вазнда) гўшт (2012 йилга нисбатан 6,8 фоизга кўп), 7884,7 минг тонна сут (7,8 фоизга кўп), 4379,1 млн. дона тухум (13,0 фоизга кўп), 32,4 минг тонна жун (4,3 фоизга кўп) етиштирилди.

Хўжалик тоифалари бўйича чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	2013й. январь–декабрь	2012 йил январь–декабрига нисбатан фоизда
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	1787,5	106,8
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	49,0	108,8
деҳқон хўжаликлари	1690,3	106,7
қишлоқ хўжалик корхонала- ри	48,2	109,8
Сут, минг тн.	7884,7	107,8
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	285,6	111,2
деҳқон хўжаликлари	7547,2	107,7
қишлоқ хўжалик корхонала- ри	51,9	114,0
Тухум, млн. дона	4379,1	113,0
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	501,3	107,9
деҳқон хўжаликлари	2399,9	113,5

	2013й. январь–декабрь	2012 йил январь–декабрига нисбатан фоизда
қишлоқ хўжалик корхонала- ри	1477,9	114,1
Жун, тн.	32392	104,3
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	2240	106,4
деҳқон хўжаликлари	28141	105,2
қишлоқ хўжалик корхоналари	2011	90,4
Қоракўл тери, минг дона	1060,6	95,0
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	51,1	110,7
деҳқон хўжаликлари	801,7	107,5
қишлоқ хўжалик корхонала- ри	207,8	64,0

Деҳқон хўжаликларининг улуши гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 94,6 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 95,7 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 54,8 фоизни, жун ишлаб чиқаришда 86,9 фоизни, қоракўл териси ишлаб чиқаришда 75,6 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликлари. 2013 йилнинг январь–декабрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 10474,4 млрд. сўмни ёки 2012 йилнинг январь–декабрига нисбатан 104,4 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 34,0 фоизни ташкил этди.

2014 йилнинг 1 январь ҳолатига фермер хўжаликларида йирик шохли қорамоллар 539,8 минг бошни, шу жумладан сигирлар 186,3 минг бошни, қўй ва эчкилар 1310,0 минг бошни, паррандалар 6434,3 минг бошни ташкил қилди.

2013 йилнинг 1 январига нисбатан йирик шохли қорамоллар – 14,9 минг бошга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,8 фоизга), шу жумладан сигирлар – 3,2 минг бошга (ёки 1,7 фоизга), қўй ва

эчкилар – 42,7 минг бошга (ёки 5,3 фоизга), паррандалар – 694,7 минг бошга (ёки 12,1 фоизга) кўпайди.



Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва уларнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан улуши қуйидагича ифодаланади:

	2013 йил		2012 йилга нисбатан ўсиш суръати, фоизда
	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	
Донли экинлар	6294,9	80,6	103,8
Пахта	3343,4	99,5	97,2
Картошка	542,9	24,1	111,4
Сабзавотлар	3031,7	35,6	110,9
Полиз экинлари	781,6	50,2	106,9
Мевалар	1049,1	46,4	109,0
Узум	720,8	54,5	108,6
Гўшт (тирик вазнда)	49,0	2,7	108,8
Сут	285,6	3,6	111,2
Тухум, млн. дона	501,3	11,4	107,9
Жун, тонна	2240	6,9	106,4
Қоракўл, минг дона	51,1	4,8	110,7

## Инвестициялар ва қурилиш

2013 йилнинг январь–декабрида республикада асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг АҚШ долларидаги эквивалент ҳажми 13,2 миллиард АҚШ долларини ёки 2012 йилнинг январь–декабрига нисбатан 111,3 фоизни ташкил қилди.

2013 йилнинг январь–декабрида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий миқдори миллий валютада 27557,3 млрд. сўмга тенг бўлди ёки 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 109,8 фоизга ўсди.

2013 йилнинг январь–декабрида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

якунга нисбатан фоиз ҳисобида

	жами инвестициялар, млрд. сўм	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича					
		давлат бюджети маблағлари	суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари	корхоналар ва аҳоли маблағлари	чет эл инвестициялари ва кредитлари	банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	бюджетдан ташқари фондлар маблағлари *)
Жами	27557,3	5,5	0,4	53,1	20,3	11,0	9,7
шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича:							
давлат	6033,3	24,2	2,0	24,4	15,9	2,9	30,6
нодавлат	21524,0	0,2	–	61,2	21,5	13,3	3,8


\*) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини қўшган ҳолда

**2013 йилнинг январь–декабрида иқтисодиёт тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидагича:**

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисба- тан фоизда
<b>Жами</b>	<b>27557,3</b>	<b>х</b>
<b>Ишлаб чиқариш тармоқлари</b>	<b>18420,6</b>	<b>100,0</b>
<b>саноат</b>	<b>9467,5</b>	<b>51,4</b>
<b>шу жумладан:</b>		
<b>ёқилғи–энергетика саноати</b>	<b>4966,2</b>	<b>27,0</b>
<b>металлургия</b>	<b>908,1</b>	<b>4,9</b>
<b>кимё ва нефт–кимё саноати</b>	<b>618,9</b>	<b>3,4</b>
<b>машинасозлик</b>	<b>832,4</b>	<b>4,5</b>
<b>енгил саноат</b>	<b>651,5</b>	<b>3,5</b>
<b>озиқ–овқат саноати</b>	<b>488,6</b>	<b>2,7</b>
<b>қурилиш материаллари саноати</b>	<b>519,8</b>	<b>2,8</b>
<b>қишлоқ хўжалиги</b>	<b>1173,7</b>	<b>6,4</b>
<b>қурилиш</b>	<b>713,5</b>	<b>3,9</b>
<b>транспорт ва алоқа</b>	<b>4790,1</b>	<b>26,0</b>
<b>савдо ва овқатланиш</b>	<b>1332,2</b>	<b>7,2</b>
<b>геология ва ер ости бойликларини     излаш</b>	<b>402,9</b>	<b>2,2</b>
<b>бошқалар</b>	<b>540,7</b>	<b>2,9</b>
<b>Ноишлаб чиқариш тармоқлари</b>	<b>9136,7</b>	<b>100,0</b>
<b>уй–жой қурилиш</b>	<b>5766,7</b>	<b>63,1</b>
<b>коммунал хўжалик</b>	<b>626,7</b>	<b>6,9</b>
<b>соғлиқни сақлаш</b>	<b>782,3</b>	<b>8,6</b>
<b>таълим</b>	<b>742,1</b>	<b>8,1</b>
<b>маданият ва санъат</b>	<b>167,1</b>	<b>1,8</b>
<b>бошқалар</b>	<b>1051,8</b>	<b>11,5</b>

Иқтисодий тармоқлари бўйича чет эл инвестиция ва кредитлари—ни ўзлаштириш қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда



**Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

Ноишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг 5766,7 млрд. сўми уй—жой қурилиши соҳасида ўзлаштирилди, ёки умумий ҳажмга нисбатан 63,1 фоизни ташкил этди.

2013 йилнинг январь—декабрида умумий майдони 10611,1 минг кв.м. бўлган 82,1 мингта уй ёки 84,1 мингта хонадон (2012 йил январь—декабрига нисбатан 104,4 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 8038,0 минг кв.м. (104,3 фоиз) уй—жой қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Касалхоналар, поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларини янги қуришда ва капитал қайта таъмирлашда — 291,5 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг мос равишда 37,3 фоизини ташкил қилди.

Олий таълим муассасалари, лицейлар ва касб—ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 232,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига

йўналтирилган инвестицияларнинг 2,5 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 31,4 фоизини ташкил қилди.

Умумтаълим мактабларни қуриш ва қайта таъмирлашда 154,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 1,7 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 20,8 фоизини ташкил қилди.


Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 344,0 млрд. сўм, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 171,9 млрд. сўм (умумий ҳажмидан 50,0 фоизи), чет эл инвестицияси ва кредитлари ҳисобидан 145,4 млрд. сўм (42,3 фоизи), аҳоли маблағлари ҳисобидан 16,7 млрд. сўм (4,8 фоизи), корхона ва ташкилотлар ҳисобидан 3,2 млрд. сўм (0,9 фоизи) ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан 6,8 млрд. сўм (2,0 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди; газ тармоқлари қурилишига 15,6 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 12,3 млрд. сўм (78,9 фоизи), корхона ва ташкилотлар ҳисобидан 3,0 млрд. сўм (19,2 фоизи), бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан 0,3 млрд. сўм (1,9 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2013 йилнинг январь–декабрида 15080,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2012 йилнинг январь–декабрига нисбатан 116,6 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 79,5 фоизи корхоналарни янги қурилиши, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 19,0 фоизи капитал, жорий таъмирлашга ва 1,5 фоизи бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Транспорт

Юк ташиш. 2013 йилнинг январь–декабрида барча транспорт турлари томонидан 1387,3 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2012 йилнинг январь–декабрига нисбатан 104,4 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 83,8 млрд.тн–км.ни ёки 2012 йилнинг январь–декабрига нисбатан 100,6 фоизни ташкил қилди.



Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2013 й. январь–декабрь	2012 йил январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	1387,3	104,4
темир йўл транспортида	63,7	103,5
автомобил транспортида	1258,6	104,6

	2013 й. январь–декабрь	2012 йил январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
ҳаво транспортида, минг тн	21,9	91,6
қувур йўллари орқали	65,0	100,9
<b>Юк айланмаси, млн. тн–км</b>	<b>83836,5</b>	<b>100,6</b>
темир йўл транспортида	22766,7	100,4
автомобил транспортида	29156,0	106,0
ҳаво транспортида	116,2	95,4
қувур йўллари орқали	31797,6	96,3

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

юк ташишнинг умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



- Автомобил транспорти
- Қувур йўли
- Темир йўл транспорти
- Ҳаво транспорти

2013 йил январь–декабрида асосий юкларни магистрал темир йўл транспортида ташиш қуйидагича ифодаланади:

	минг тонна	2012 йил январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Юклар – жами	63689,7	103,5
шу жумладан:		
тошкўмир	5210,7	151,9
нефт маҳсулотлари	11983,7	88,9
қора металллар	832,4	82,9
қора метал темир–терсаклари	643,1	71,9
кимёвий ва минерал ўғитлар	4104,6	96,9
қурилиш материаллари	7032,3	111,0
цемент	4893,0	107,5
ёғоч–тахта материаллари	102,3	79,1
дон ва янчилган дон маҳсулотла– ри	1339,3	93,4

Автомобил транспортида 1258,6 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2012 йил январь–декабрига нисбатан 4,6 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 29,1 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 6,0 фоизга кўпайди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2012 йил январь–декабрь даражасидан 6,7 фоизга кўпайди ва 22,2 млрд. тн–км.ни ташкил қилди. Автомобил транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 76,1 фоизни (2012 йил январь–декабрида – 75,6 фоизни) ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 21,9 минг тонна юк жўнатилиб, 2012 йил январь–декабрига нисбатан 8,4 фоизга пасайди, юк айланмаси эса 4,6 фоизга камайди ва 116,2 млн.тн–км.ни ташкил қилди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 31,8 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 2012 йил январь–декабрига нисбатан 3,7 фоизга камайди.

Йўловчи ташиш. Барча транспорт турлари томонидан 6988,0 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2012 йил январь–декабрига нисбатан 4,2 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси 6,1 фоизга кўпайиб, 94,6 млрд. йўловчи–км.ни ташкил этди.



Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2013й. январь–декабрь	2012й. январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	6988,0	104,2
темир йўл транспортида	17,4	109,1
автомобил транспортида	6893,9	104,4
ҳаво транспортида	2,4	95,1
шаҳар электр транспортида	74,3	92,1
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи–км	94613,5	106,1
темир йўл транспортида	3709,2	107,9
автомобил транспортида	83258,0	106,5
ҳаво транспортида	7150,4	102,5
шаҳар электр транспортида	495,9	91,7

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келди ва бу 98,8 фоизни, йўловчи айланмасида эса 88,0 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 9,1 фоизга ошди ва 17,4 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси 7,9 фоизга ошди ва 3709,2 млн. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 2417,7 мингта йўловчи ташилди, бу 2012 йил январь–декабрига нисбатан 4,9 фоизга камдир, йўловчи айланмаси эса 7150,4 млн. йўловчи–км.ни ташкил этиб, 2,5 фоизга кўпайди.

Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 2012 йил январь–декабрига нисбатан, мос равишда, 9,6 фоизга камайди.

## Товарлар ва хизматлар бозори

2013 йил январь–декабрда чакана товар айланмаси 47463,7 млрд. сўмни ёки 2012 йил январь–декабрига нисбатан 114,8 фоизни ташкил қилди.

Чакана товар айланмасида озиқ–овқат маҳсулотларининг улуши 51,2 фоизни, ноозиқ–овқат маҳсулотлари улуши 48,8 фоизни ташкил қилди (2012 йил январь–декабрида мос равишда – 49,2 ва 50,8 фоиз).

2013 йил январь–декабрида хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2012й. январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	47463,7	114,8
давлат мулки	98,1	109,5
нодавлат мулки	47365,6	114,8
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	33820,5	113,8

Савдо корхоналарининг чакана товар айланмаси ҳажми 18124,9 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2012 йил январь–декабрига нисбатан 17,5 фоизга ошган. Чакана товар айланмаси таркибида савдо корхоналарининг улуши 38,2 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ жойлардаги савдо корхоналарининг чакана товар айланмаси савдо корхоналари умумий товар айланмасининг 22,3 фоизини ташкил қилди.

Деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва қорамол сотиш ҳажми 11,4 фоизга ошди ва 19183,3 млрд. сўмга етди, унинг чакана товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 40,4 фоизни ташкил қилди.

Буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар товар айланмаси 10155,5 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2012 йил январь–декабрига нисбатан 16,6 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида норасмий секторнинг улуши 21,4 фоизга тенг бўлди.

2013 йил январь–декабрида чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2012 йил январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>47463,7</b>	<b>114,8</b>	<b>100,0</b>
савдо корхоналари	18124,9	117,5	38,2
бозорлар	29338,8	113,1	61,8
улардан:			
буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар	10155,5	116,6	21,4
деҳқон (озиқ–овқат) бозорлари	19183,3	111,4	40,4

2013 йилнинг январь–декабрида аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 18278,6 млрд. сўмни, унинг ўсиш суръати 2012 йилнинг январь–декабрига нисбатан 113,7 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб (умумий ҳажмнинг 60,7 фоизи), бу секторда хизматлар ҳажми 11087,3 млрд. сўмни ташкил қилди ва 9,8 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 20,5 фоизга ўсиб, 7191,3 млрд. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 39,3 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улуши 83,2 фоизни ташкил қилди.

2013 йил январь–декабрда хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм.	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>18278,6</b>	<b>100,0</b>

	млрд. сўм.	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
давлат мулки	3072,1	16,8
нодавлат мулки	15206,5	83,2
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	7536,2	41,2

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 9,2 фоизни ёки 1690,6 млрд. сўмни ташкил қилди, уларнинг реал ҳажми 2012 йил январь–декабрига нисбатан 19,6 фоизга ошди.

Маиший хизматларнинг 87,7 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми 1481,9 млрд. сўмни ташкил қилди ва 20,2 фоизга ошди.

2013 йил январь–декабрида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг фаолият турлари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	65337,6	100,0
шу жумладан асосий турлари бўйича:		
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	3583,1	5,5
Компьютерли дастурлаш хизматлари	119,9	0,2
Молиявий хизматлар	5523,8	8,5
Транспорт хизматлари (логистика хизматларини қўшган ҳолда)	18127,2	27,7
Қурилиш хизматлари	2949,2	4,5
Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	328,4	0,5
Қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	77,2	0,1

	млрд. сўм	умумий ҳажм- га нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Туризм–саёҳат хизматлари</b> (меҳмонхоналар хизматини кўшган ҳолда)	306,7	0,5
<b>Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари</b>	14628,6	22,4
<b>Маиший хизматлар</b>	2240,0	3,4
<b>Таълим хизматлари</b>	1817,7	2,8
<b>Соғлиқни сақлаш хизматлари</b>	635,6	1,0
<b>Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлари</b>	476,5	0,7
<b>Бошқа хизматлар</b>	14523,7	22,2

Компьютерли дастурлаш хизматлари (130,4 фоиз), молиявий хизматлар (129,3 фоиз), соғлиқни сақлаш хизматлари (127,2 фоиз), қурилиш хизматлари (125,4 фоиз), технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари (124,2 фоиз), маиший хизматлар (123,2 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (121,9 фоиз), қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлар (119,7 фоиз), қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари (118,2 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш хизматлари (116,6 фоиз) бўйича юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (логистика хизматларини кўшган ҳолда) (жами хизматларнинг 27,7 фоизи), савдо ва умумий овқатланиш (22,4 фоизи), молиявий хизматлар (8,5 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (5,5 фоизи) хизматлари ҳиссасига тўғри келди.

## Нарх ва тарифлар

### Январь–декабрда нархлар ва тарифлар индексларининг ўзгариши (наrx–навонинг ўсиши, фоиз ҳисобида)

	ўртача ойлик даражаси		декабрь оyi ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2012й.	2013й.	2012й.	2013й.
Истеъмол наrxлари индекси	0,6	0,5	7,0	6,8
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар наrxларининг индекси	0,9	1,0	10,8	12,7
Юк ташиш тарифла– рининг индекси	1,5	1,8	19,8	23,7
Юридик шахсларга кўрсатиладиган алоқа хизматлари тарифларининг индекси	0,4	1,3	4,6	17,1

### Январь–декабрда саноат тармоқлари бўйича ишлаб чиқарувчилар наrxларининг индекслари (ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)

	2012й.	2013й.
<b>Жами</b>	<b>110,8</b>	<b>112,7</b>
шу жумладан:		
электроэнергетика	113,1	121,5
ёқилғи саноати	103,1	110,7
қора металлургия	112,6	120,6
рангли металлургия	114,5	112,0
кимё ва нефт–кимё саноати	109,8	123,0

	2012й.	2013й.
<b>машинасозлик ва металлни қайта ишлаш</b>	<b>114,2</b>	<b>110,5</b>
<b>ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз саноати</b>	<b>109,8</b>	<b>106,0</b>
<b>қурилиш материаллари саноати</b>	<b>121,3</b>	<b>121,9</b>
<b>енгил саноат</b>	<b>108,7</b>	<b>111,6</b>
<b>озиқ–овқат саноати</b>	<b>111,7</b>	<b>106,9</b>
<b>ун–ёрма саноати</b>	<b>115,0</b>	<b>112,0</b>

**Январь–декабрда алоҳида транспорт турларида юк ташиш тарифларининг индекси  
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2012й.	2013й.
<b>Юк транспорти – жами</b>	<b>119,8</b>	<b>123,7</b>
<b>шу жумладан:</b>		
<b>темир йўл транспорти</b>	<b>113,7</b>	<b>122,2</b>
<b>автомобил транспорти</b>	<b>125,4</b>	<b>113,0</b>
<b>ҳаво транспорти</b>	<b>108,2</b>	<b>115,6</b>
<b>қувур йўллари</b>	<b>121,8</b>	<b>125,4</b>

**Январь–декабрда юридик шахслар учун алоқа хизматлари тарифларининг индекси  
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2012й.	2013й.
<b>Жами хизматлар</b>	<b>104,6</b>	<b>117,1</b>
<b>шу жумладан:</b>		
<b>почта алоқаси</b>	<b>101,4</b>	<b>101,1</b>
<b>шаҳар телефон алоқаси</b>	<b>101,1</b>	<b>101,5</b>
<b>шаҳарлараро телефон алоқаси</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>

	2012й.	2013й.
телеграф алоқаси	112,7	121,5
уяли алоқа	110,6	156,3

## Демографик ҳолат

Дастлабки маълумотларга кўра, 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига республикада доимий аҳоли сони 30488,6 минг кишини ташкил қилди ва 2013 йил январь–декабрда 495,1 минг кишига ёки 1,7 фоизга кўпайди. Шундан, 15552,8 минг киши – шаҳар (умумий аҳоли сонининг 51,0 фоизи) ва 14935,8 минг киши – қишлоқ жойларида (49,0 фоизи) истиқомат қилади.

Январь–декабрда республика бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари қуйидагича ифодаланади:

	ҳар 1000 кишига	
	2012 йил	2013 йил
Туғилганлар	21,0	22,3
Ўлганлар	4,9	4,8
шу жумладан бир ёшгача болалар <sup>*)</sup>	10,2	10,5
Никоҳлар	10,0	10,0
Ажралишлар	0,6	0,8

Туғилиш даражаси. 2013 йилнинг январь–декабрида туғилганлар сони – 674,9 мингтани, туғилиш коэффициенти эса 22,3 промиллени ташкил қилди ва 2012 йилнинг шу даврига (21,0 промилле) нисбатан 1,3 промиллега кўпайди.

Ўлим даражаси. 2013 йилнинг январь–декабрида ўлганлар сони – 145,0 мингтани, ўлим коэффициенти эса 4,8 промиллени ташкил қилди (ўтган йилнинг шу даврига – 4,9 промилле).

Ўлганлар умумий сонидан 60,4 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 7,7 фоизи – ўсма касалликларидан, 6,2 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 5,9 фоизи – нафас

<sup>\*)</sup> Ҳар 1000 та туғилганга



олиш органлари касалликларидан, 5,7 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2013 йилнинг январь–декабрида бир ёшга тўлмаган болалар ўлими сони 6,8 мингтани ташкил қилди. Болалар ўлими коэффиценти 10,5 промиллени ташкил қилди.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 48,6 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 32,2 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 7,9 фоизи – туғма аномалиялардан ва 4,6 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2013 йилнинг январь–декабрида ФҲДЁ органларида 303,7 мингта никоҳлар ва 24,0 мингта ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 10,0 та (2012 йилнинг шу даврида – 10,0 та) никоҳ ва 0,8 та (2012 йилнинг шу даврида – 0,6 та) ажралишлар тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2013 йилнинг январь–декабрь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 153,8 минг кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 188,7 минг кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 34,9 минг кишини (2012 йилнинг шу даврида – минус 41,0 минг киши) ташкил этди.

Бандлик. Дастлабки маълумотларга кўра, 2013 йилнинг январь–декабрь ойларида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 12523,3 минг кишини ташкил қилди ва 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 фоизга ошди.

Бандлар сонининг сезиларли ўсиш даражаси савдо, умумий овқатланиш, таъминот ва тайёрлов соҳасида (3,7 фоизга), уй–жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турида (3,6 фоизга), қурилишда (3,5 фоизга), транспорт ва алоқада (3,5 фоизга), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида (3,3 фоизга) кузатилди.

Нодавлат секторида жами бандлар улуши 81,2 фоизга етди, бу кўрсаткич 2012 йилнинг шу даврида 80,7 фоизни ташкил қилган.

Ишсизлик<sup>\*)</sup>. 2013 йил декабрь ойи охирига меҳнат идораларида иш қидирувчилар сифатида рўйхатдан ўтган аҳоли сони 5,4 минг кишини (2012 йилнинг шу даврида – 6,0 минг киши) ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2007 йил 24 майдаги 106–сонли қарори билан тасдиқланган ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасига асосан аниқланган ишсизлар сони 2013 йил январь–декабрида 639,7 минг кишини ташкил қилди ва иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 4,9 фоизга тенг бўлди.

---

<sup>\*)</sup> Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги маълумотлари асосида

Республика миқёсида юқори ишсизлик даражаси Қорақалпоғистон Республикасида (ишсизлар сони – 40,3 минг киши ёки иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 6,2 фоиз), Андижон (68,5 минг киши ёки 5,4 фоиз), Самарқанд (76,2 минг киши ёки 5,3 фоиз), Хоразм (37,1 минг киши ёки 5,3 фоиз), Қашқадарё (58,3 минг киши ёки 5,2 фоиз), Наманган (49,6 минг киши ёки 5,2 фоиз), Сурхондарё (47,6 минг киши ёки 5,2 фоиз) ва Навоий (22,8 минг киши ёки 5,2 фоиз) вилоятларида кузатилди.